

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта
махсус таълим Вазирлиги

**М. Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат
Архитектура-Қурилиш Институтини**

«Архитектура» факультетини

«Ландшафт дизайнини ва интерьер» кафедрасини

Битирув малакавий ишининг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

*Мавзу: Кимёгарлар шаҳарчасидаги Маданият
саройини мухитининг ландшафт ечимини*

Дипломант: Шодиев С

Раҳбар: Уралов А.С

Маслаҳатчи: Бобокандов О.Н

«Ландшафт дизайнини ва интерьер» кафедрасини

мураббий: Тугизов Ш.Х

Самарқанд – 2014 й

Мундарижа

1. Кириш
2. Архитектуравий режалаштириш қисми
3. Бадиий қисми
4. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги қисми
5. Экология қисми
6. Хулоса
7. Адабиётлар рўйхати

К И Р И Ш

Бугунги кунда архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда ушбу фармон ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг «Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни кўриш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги, «Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ва бир қанча шаҳарсозлик фаолиятида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш борасида аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқилишини ташкил этиш, бош режага, батафсил режалаштириш ва қурилиш лойиҳаларига риоя қилиниши, ҳудудларда ер ажратилишида қонун талабларига риоя этилиши, объектларни жойлаштиришда бош режа муаллифи билан келишиш, навбатчи бош режанинг юритилиши ва жойларда «Архитектура ва шаҳарсозлик Кенгаш»ларининг иш фаолиятлари тизими яратилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда архитектура ва қурилиш соҳасида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳарсозлик фаолияти янада такомиллаштириш йўлида Шаҳарсозлик кодекси асосида бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб Давлат ҳокимияти органлари ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси олдида бир қанча вазифалар қўйилди.

Республикамиз капитал қурилишида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, тармоқда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этиш, пудрат, лойиҳа ишлари қурилишда нарх белгилаш механизмини такомиллаштириш, қурилиш материаллари бозорини кенгайтириш, уларнинг илғор турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, қурилиш индустрияси корхоналарда замонавий технологияларни тадбиқ этиш ва ҳ.к.лар.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан шаҳарсозлик соҳасида тегишли норматив ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилиб, улар соҳа фаолиятида – лойиҳалаштириш, лойиҳаларни экспиртиза қилиш, пудрат савдоларини ўтказиш, қуриш, қурилиш сифатини устидан давлат назоратини олиб бориш, қуриб битирилган объектларни фойдаланишга қабул қилишда шаҳарсозликдаги махсус ваколатли орган сифатида 400 дан ортиқ қурилиш нормалари ва қоидалари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 450дан ортиқ қурилиш сметалари учун норматив ҳужжатлар ҳамда 150 га яқин Қоидалар, Низомлар, Кўрсатмалар, Реглементлар ва Тартиблар ишлаб чиқилиб амалга тадбиқ этилмоқда.

Самарқанд шаҳри меъморчилигига хос йўналаш, яъни меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклаш доирасидаги ишлар кўлами алоҳида этиборга лойиқдир. Эски шаҳар маҳалаларидаги масчитлари ҳам қисман таъмирланди ҳамда улар қошида обод ва шинам меъморий муҳит яратилди. Самарқанд шаҳридаги мавжуд меъморий ва тарихий обидаларга янги мустақил ҳаёт руҳи баҳшида этилди.

Фақатгина 2010 йилнинг ўзида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар асосида барча қулайликларга эга тайёр ҳолда топшириш шарти билан 6 минг 800

та уй-жой барпо этилди. 2011 йилда 7400 та, 2012 йилда 10500 та уй-жой барпо этилган.

Ўзининг 23 йиллик мустақиллик тараққиёти давомида қанчадан-қанча синов ва машаққатлардан ёруғ ёз билан ўтган, бекиёс бунёдкорлик салоҳияти билан ўз юртини обод ва фаровон этиб келаётган мард ва меҳнаткаш халқимиз бунга ҳар томонлама қодир эканлиги барчамизга куч-ғайрат ва ғурур, эртанги кунимизга мустаҳкам ишонч бағишлайди.

**АРХИТЕКТУРАВИЙ
РЕЖАЛАШТИРИШ
ҚИСМИ**

Жамоат бино ва иншоотларнинг архитектураси инсон ҳаётининг сирқирра томонларини жамиятнинг социал-ижтимоий ривожланиш жараёнини бадиий қиёфаларда ёритиб беришга хизмат қилади.

Бу еса ўз навбатида бинолар типини ташкил еттириш билан бирга, асосан уларни систематик тарзда ўрганишини тақазо етади, шаҳарсозликдаги вазифани, конструктив ечимни, ижтимоий – иқтисодий томонларини, бадиий-архитектуравий ечимларини, бино типлари номенклатурасини, классификациясини, нормативларини ва хоналар туркумларини аниқлаб беради.

Жамоат бино ва иншоотларини лойиҳалашда шаҳарсозликнинг архитектуравий – бадиий хусусиятлари, уларни жойлаштириш, композицияси, шаҳар ва қишлоқ марказларида қандай режалаштириш каби масалалар қараб чиқилади. Шу билан шаҳарсозликда қуриладиган барча иншоот ёки биноларнинг атроф-муҳит билан боғлиқлиги, турли бадиий кўрсаткич воситалари, уларнинг мутаносиблигига еътибор берилади.

Архитектурада синтез ва манументал санъат масаласи ҳам муҳим рол ўйнайди. Жамоат бино ва иншоотларининг лойиҳалашда функционал асослар ҳам кўриб чиқади.

Жамоат бинолари ўзининг ҳажмига кўра қурилишнинг бошқа турлари ўртасида енг оммавий тури ҳисобланади. Инсон ҳаёти фаолиятининг турли томонларини қондиришга мўлжалланган объект сифатида миқдори жиҳатдан ҳам, хизмат кўрсатиш турлари бўйича ҳам кўп асрлардан буён ривожланиб келмоқда. Замонавий қурилиш тажрибасини умумлаштириб, жамоат мақсадига йўналтирилган муассасаларнинг қуйидаги асосий гуруҳларини: ўқув-тарбиявий, маданий-маърифий, спорт, савдо, транспорт, соғломлаштириш ва жамоат овқатлантириш корхоналарини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Жамоат бинолари ушбу гуруҳларининг ҳар бири яна бир қатор кичик гуруҳларга бўлинади. Масалан, ўқув-тарбиявий ишларга мўлжалланган

муассасалар гуруҳи: мактабгача болалар муассасалари (болаларнинг ясли боғчалари) ва умумий таълим мактабларига бўлинади. Булар ҳам ўз навбатида хизмат кўрсатиш характериغا кўра кечаю-кундуз мобайнида хизмат кўрсатиладиган, болалар фақат кундуз куни бўладиган (мактабгача ёшдаги болалар муассасалари) интернатлар, мактаблар қошидаги интернатлардан иборат. Ҳажмига кўра еса кичкина, ўртача ва йирик бўлади. Бундан ташқари болалар уйлари, жисмоний ва ақлий заиф болаларни даволаш, тарбиялашга мўлжалланган мактаб-интернатлар ҳам мавжуд. Кейинги йилларда Ўзбекистонда коллежлар, 1-9 синфли мактаб ва болалар боғчаларидан иборат бўлган ўқув-тарбия мажмуалари тармоғини ривожлантириш анъанага айланди.

Хоналарда таълим олиш учун қулай муҳит яратиш амалиётда уларда тўғри (елвизакли) шамоллатишнинг мавжудлиги, деразалар рамкаларида куюшдан ҳимояловчи мосламаларнинг ўрнатилганлиги, ташқи тўсувчи конструкцияларнинг юзасини қисқартириш мақсадида хоналарни ички томонга узайтириш ёрдамида еришилади.

Зилзилага бардошлиликнинг таъсири асосий масала бўлган фавқулодда вазиятларда бинодан эвакуацион чиқиш тизимини ташқил етишдан иборат, у биноларнинг кўп қаватлиги, конструкцияси, уларнинг режавий ечимларида акс етади. Жамоат биноларининг режавий ечимларини ва уларнинг архитектурасини ташқиллаштиришда асосий ўринни ёнғин хавфсизлиги талаблари егаллайди. Ушбу талабларни ҳисобга олган ҳолда биноларнинг узунлиги, қаватлилиги, коммуникация тизими, қўшимча дудланмайдиган зиналарни қуриш белгиланади. Оммавий қурилиш шароитида пул маблағларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Амалиётда кўпчилик ҳолатларда оқилона режалаштириш ечимлари ёки биноларни йириклаштириш орқали еришилади. Биноларнинг архитектурасига уларни қурилиш минтақасидаги табиий ландшафт ҳажмий- фазовий композициясининг таъсири катта.

Ҳар бир жамоат биносининг архитектуравий-режавий ечимлари уларда мақсадига мувофиқ юз берадиган белгиланган технологик жараёнларга бўйсундирилган. Шу сабабли жамоат бинолари ўртасида йирик ўлчамли хонали (масалан, ўқув юртлири) ва заллари билан (масалан, спорт мажмуаларини) кичик режалаштириш тузилма (масалан, меҳмонхона)ларга мисол қилиб келтириш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, хоналарнинг жойлашуви ва жамоат биноларида уларни функционал белгиларига кўра гуруҳлаштирилиши маълум қонуниятга бўйсундирилган. Масалан, умумий таълим мактабларида узайтирилган кунли бошланғич синфлар хоналари – меҳнат таълим хоналарига гуруҳлаштирилади ва мактаб маъмурияти ҳамда вестибюл гуруҳига яқин жойлаштирилади. 5-ИХ синфлар хоналари еса ўқув кабинетлари ва лабораторияларга гуруҳлаштирилади, улар ўқув-тажриба устахоналарига, гимнастика ва мажлис залларига яқин жойлаштирилади. Ошхона еса хўжалик хоналари билан гуруҳлаштирилади, имкониятига қараб кичик ва катта синфлардан тенг узоқликда жойлаштирилади.

Ташқи тўсувчи конструкцияларнинг юзасини қисқартиришга хоналарни ички томонга узайтириш ёрдамида еришилади.

Зилзилага бардошлиликнинг таъсири, фавқулодда вазифаларда бинодан эвакуацион чиқиш тизимини ташқил етишда асосий масала биноларнинг кўп қаватлилиги, конструкцияси, уларнинг режавий ечимларида акс етади. Жамоат биноларининг режавий ечимларини ва уларнинг архитектурасини ташқиллаштиришда асосий ўринни ёнғин хавфсизлиги талаблари егаллайди. Ушбу талабларни ҳисобга олган ҳолда биноларнинг узунлиги, қаватлилиги, коммуникация тизими, кўшимча дудланмайдиган зиналарни қуриш белгиланади. Оммавий қуриш шароитида пул маблағларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Амалиётда бунга кўпчилик ҳолатларда режалаштириш ечимлари ёки биноларни йириклаштириш орқали еришилади.

Биоларнинг архитектурасига уларни қурилиш минтақасидаги табиий ландшафт ҳажмий-фазовий композициясининг таъсири катта.

Шундай қилиб, ушбу келтирилган мисоллардан жамоат биолари шакллари, унга ташқи ва ички омиллар таъсирининг мураккаб жараёнлари натижасида шаклландиган архитектурасининг турли - туманлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Олий архитектура мактабида жамоат биоларини лойиҳалаш ишлари талабалар зиммасига юклатилган вазифаларнинг аста-секин мураккаблашиб бориши билан боғлиқ равишда иккинчи курсда бошланади ва битирув диплом ишини бажаргунча давом этади. Бундай иншоотларнинг лойиҳаларини уларни архитектурасининг шакллантириш қонуниятлари тўғрисидаги билимлар мажмуини билмасдан туриб ишлаб чиқиш жуда ҳам мураккаб вазифа ҳисобланади.

Ушбу ҳолларда жамоат биолари типологиясининг предмети талабага ўз олдига қўйилган ижодий вазифаларни муваффиқиятли ҳал қилиши учун зарур бўладиган билимлар кўламини берадиган назарий соҳани ўзида намоён қилади.

Жамоат биоларининг таснифланиши (классификацияси)

Жамоат биолари ўзининг асосий вазифалари (функциялар), аҳоли пунктларида жойлашиши, режавий тузилмаси, асосий хоналар таркиби, архитектуравий композициясининг ғоявий-бадиий тасвирланиши бўйича таснифланади. Жамоат биоларининг жойлашиш ўрни унинг аҳамиятига, унга шаҳар қишлоқ, туман ёки микрорайон аҳолисининг еҳтиёжи даражасига, хизмат кўрсатиладиган аҳолининг тоифаларига ҳамда унинг бажарадиган вазифаларига кўра аниқланади. У ёки бу гуруҳдаги жамоат биоларининг ҳажмий-режавий тузилмаси кўп йиллик лойиҳа-қуриш ва улардан фойдаланиш амалиёти натижасида шаклланади. Бу кўп йиллик шаклланиш асосида режалашнинг ва ҳажмий-фазовий композициянинг мақбул (оптимал) тизимлари белгиланади (ўрнатилди) ва бу тизимлардан типик тарзда фойдаланилади. Худди шу асосда жамоат биолари ташқи қиёфасининг характери, уларнинг бадиий тасвири ҳам шаклланади.

Буларнинг барчаси ҳар хил турдаги жамоат биноларининг типологик характеристикасини яратиш учун шарт-шароит ҳозирлайди. Бу типологик характеристика жамоат биноларини асосий типологик белгилар бўйича гуруҳларга ажратиш имконини беради. Иқлим шароитлари, табиат, аҳолининг турмушидаги маданий-маиший жиҳатлари ва халқнинг анъаналари жамоат биноларининг композициясида ўз аксини намоён этади, лекин уларнинг типологик характеристикаларини ўзгартирмайди.

Юқорида баён етилганларга асосланиб, жамоат биноларининг қуйидаги гуруҳларини таклиф қилиш мумкин:

- ўқув –тарбия ва илмий муассаса бинолари;
- томоша кўрсатишга мўлжалланган бинолар;
- спорт иншоотлари;
- савдо, маиший хизмат кўрсатиш бинолари;
- маъмурий ва коммунал хизмат кўрсатиш бинолари;
- транспорт иншоотлари;
- даволаш, профилактика бинолари.

Жамоат биноларининг асосий белгилари

Жамоат бинолари кўп сонли ташриф буюрувчиларнинг вақтинчалик ташрифи учун мўлжалланган (театр, универмаг, стадион ва бошқалар). Шунинг учун коммуникация ҳамда ташриф буюрувчиларни қабул қилиш ва уларни қутқариш жамоат бинолари учун алоҳида аҳамият касб этади. Шунга боғлиқ равишда жамоат биноларида кўндаланг ва бўйлама боғловчилар (вестибюллар, йўлаклар, лифтлар, нишабли йўлаклар, эскалаторлар ва бошқалар)га катта эътибор қаратилади. Шунингдек, жамоат биноларининг характерли белгилардан бири, бу-кўп сонли одамларга мўлжалланган хоналар (заллар)нинг мавжудлигидир.

Одатда, жамоат бинолари микрарайонда, турар жой ҳудудида, шаҳар ёки қишлоқда марказий ҳолатни егаллайди ва архитектуравий ансамблларни яратишда асосий объект бўлиб хизмат қилади.

Кейинги йилларда клубларни куриш соҳасида клуб фаолиятигагина хос бўлган тадбирларга (ҳаваскорлар ижодиёти, умумий қизиқиш бўйича бирлашиш, ўйин-кулги билан вақт ўтказиш) интилиш сезилмоқда.

Яқин орада томошабин спорт иншоотлари, кутубхоналар ва бошқа дам олишга мўлжалланган муассасаларнинг йўқлиги туфайли кўп қишлоқ жойларида клубларнинг унверсал функциялари сақланиб қолган.

Шаҳарда ижодий фаолияти (халқ ижодий уйлари, ҳаваскорлар клуби), қизиқишлар бўйича мулоқот (турли соҳадаги коллекционерлар, автомобил ҳаваскорлари, пенсионерларнинг клублари, ёшлар уйлари ва ҳ.к) ва шунга ўхшаш фаолиятларга ихтисослашган махсус клуб биноларини яратишга еҳтиёж сезилмоқда.

Ҳозирги даврда диққатга сазовор бўлган клуб типларидан мужассамлаштирилган клуб бўлиб, у икки қисмдан иборат, бири – оммавий кўнгили олувчи (томошабин) қисм ва иккинчиси – тўғарақларга мўлжалланган (клуб) қисми.

1. Клубларларни беш типга бўлиш тавсия қилинади:

150-400 ўринли қишлоқ клуби ва ишчи посёлкалари ҳудудларида куриш мўлжалланган.

2. 300-700 ўринли қишлоқ маданият уйи ва қишлоқ марказлари ишчи посёлкаларининг марказий турар жой ҳудудларида куриш мўлжалланган.

3. 500-800 ўринли туман маданият уйи (туманларнинг маъмурий марказларида куриш мўлжалланган).

4. 300-700 ўринли шаҳар клуби (шаҳарларнинг турар-жой ҳудудларида куриш мўлжалланган).

5. 500-1000 ўринли шаҳар маданият уйи (шаҳарларнинг жамоат марказларида куриш мўлжалланган).

Клуб хоналари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

А – томошабин қисм хоналари;

Б – клуб қисмининг хоналари;

В – ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик хоналари.

Маҳаллий шарт-шароитлар талаб еца ва шунга яраша техник-иқтисодий асос мавжуд бўлса, клуб биноларида рақс - мусиқа мактаблари, музей ва клуб жиҳозларини прокатга бериш базаларини жойлаштириш мумкин.

БАДИЙ ҚИСМ

Самарқанддаги Кимёгарлар шаҳарчасида жойлашган “Маданият саройи” муҳитининг

ландшафт архитектурасида Янги технологияларни қўллаш, хусусан очик яшил муҳитларнинг декоратив хусусиятларини янада ошириш мақсадида

замонавий “Нур архитектураси”нинг янги қирраларидан фойдаланиш (масалан,

ўзидан тунда ёруғ чиқарувчи бардюорлар, гирляндлар, нурланувчи соябонлар, ландшафт архитектураси объектлари худудининг тўшамаларига ётқизиладиган

ўзидан нур чиқарувчи плиталар, нурланувчи геопластикаларни) қўллаш орқали

шаҳримиз ландшафт архитектурасининг сифатига янгича оҳанг баҳишлашимиз

мумкин;

- Парклар, очик ва ёпиқ яшил муҳитлар манзарасини санъатимизнинг миллий қадриятлари асосида шакллантиришда тарихий синалган “Чорбоғ”, “Қўшҳовуз” ва “Чорчаман” услубларини қўллашни таклиф қиламиз;

- Шаҳримизнинг иссиқ ва қуруқ иқлими ва ёзининг узок кечишини ҳисобга олиб, шаҳар худудларини кўкаламзорлаштиришда ва боғ-паркчилик санъатимизда ”шабада” самарасига эришиш имкониятларидан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир;

- Шаҳардаги нуфузли жамоат бинолари олдилари ва пиёдалар кўчаларини кўкаламзорлаштиришда контейнерларда ўсадиган гулловчи буталар ва гулзорларнинг турли хил декоратив композицияларини қўллаш орқали очик муҳитлар архитектурасининг савиясини юқори даражаларга кўтариш таклиф қилинади;

- Инсонлар томонидан ўзгартирилган, антропоген, аниқроғи маданий ландшафтда биргина табиат компонентларидан фойдаланиш бир ёқлама иш

бўлиб, ландшафт композициясининг жонли табиатдан деярли фарқи қолмайди.

Албатта, бунда ҳам чиройли, кутилмаган ечимлар, табиатнинг баъзи экзотик фрагментларидек ракурслар топилса, бу ландшафт архитекторларининг катта ютуғи ҳисобланади, аммо бундай композицияларда инсон томонидан яратилаётган турли-туман техник қурилмалар, ҳайкалторошлик, хунармандчилик элементлари ўз ўрнида қўлланилса, юқоридаги композициялар

янада бой, тўлақонли ва чиройли бўлади. Ана шу мақсадда замонавий парк ва боғларда қўлланиладиган клумбаларда, агар уларнинг майдони кичикроқ бўлса, ўртасидаги доминант гул-буталар ўрнига ҳамда нисбатан каттароқ клумбалар марказига гуллайдиган ёки чиройли шаклдаги буталар (форзиция, япон беҳиси, сурия атиргули, магнолия, япон тути, софора) ёки формовка қилинган бута ва дарахтлар (шамшод, бересклет, сарв, можжевельник, арча) экилиб, клумбанинг бурчаклари кесишган жойларга, гуллар ва ўсимликларга контраст бўлган декоратив ҳайкалчалар, халқ Амалий санъати асарлари стилизациялашган кўза ёки бошқа абстракт композицияларга эга рамзий шакллар беришни таклиф қиламиз;

- Шаҳарни дарахтлар экиб ободонлаштиришда турли хил дарахтларни аралаш ҳолда экишни, кўпроқ маҳаллий дарахтлардан фойдаланишни тавсия қиламиз. Маҳаллий дарахт турларидан садақайрағоч (ғужум) деярлик экилмай

келмоқда. Чиройли юмалоқ шар шаклини ҳосил қиладиган ва қалин баргларидан қуюқ соя берувчи, совуқликка ўта чидамли бу дарахтни манзара берувчи тур сифатида истироҳат боғларига, тепалик ёнбағирларига, ариқлар ёнларига экса маъқул иш бўларди. Истироҳат боғларига алоҳида терак масалан

Сафидори Самарқандий ва толзорлар, ғужумзорлар, заранг, арғувонзорлар, каштанзорлар ташкил қилинса, шулар орасида арчазорлар ва қарағайзорлар ҳам

бўлиши мумкин. Дам олувчилар ўзлари танлаб қайси “дарахтзорлар” маъқул бўлса ўшалар тагида дам олишсин;

- Вақти келиб шаҳримизни кесиб ўтадиган йирик ариқлар (Сиёб, Жарариқ ва бошқалар) ҳам тозаланиб атрофларида сайр қилинадиган кичик боғлар ташкил қилинади. Катта ариқлар, жарликлар ўзига хос рельеф шаклларига эга бўлиб, уларни ободонлаштиришда ўзига хос ландшафт –

манзара беришни тақозо этади. Сой тагида мажнунтол, оқ ва кўк тераклар, жийда, дўлана, акациянинг баъзи турлари, чинор, каштан, мевали дарахтлар экиш мумкин. Тик ёнбағирларга арча, акация, айлант, мевали дарахтлардан гилос, олма, ўрик экилгани маъқул;

- Томчилатиб суғориш йўли билан тепалик жойни тўлиқ ўзлаштириш, курғоқчиликка, совуққа чидамли маҳаллий дарахт ва буталарни жой рельефига

мос жойлаштириш масалаларини, Чўпонота тепалигининг атрофларига уч қатор қилиб садақайрағоч (ғужум), каштан аралаш экиш, сойларга эса жийда, бодом, учқат, дўлана, ёввойи гилос, наматак, қир тепаларига арча экиш, текис майдонларда гулзорлар ташкил қилиш масалаларини кўтариш мақсадга мувофиқдир;

- Самарқанд шаҳридаги марказий паркнинг умумий майдони 20 гектарни ташкил қилади. Шаҳардаги мавжуд Темир йўл тумани парки, Суғдиёна ва Саттепо массивларидаги паркларни ҳам кўшиб ҳисоблаганда улар 50 гектар майдонга эга. Бу меъёрий нуқтаи назардан жуда кам, яъни 36% ни ташкил қилади. Шунинг учун биз ҳозирги Ахунбабаев кўчасига бириккан ва шаҳар қурилишига ноқулай бўлган умумий майдони 38 гектарлик жойда қўшимча тарзда шаҳар аҳолиси учун янги маданият ва истироҳат боғларини ташкил қилишни таклиф этамиз. Ана шундай таклиф билан СамДАҚИ “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедрасида “Ландшафт архитектураси” фанидан курс лойиҳаси бажарилган. Ушбу лойиҳани асос қилиб олган ҳолда

масалани малакавий тарзда ечиб, уни шахар ҳокимияти олдига қўйиш мақсадга

мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

- Бизнингча Самарқанд шаҳрида бажариладиган ҳар бир ландшафт элементи тарихий шахар шуурига мос тушадиган бадиийликка эга бўлиши керак. Шундай экан, Самарқанд шаҳрининг бош меъморий режасини амалга ошириш ишлари олиб борилаётган айни кунларда, унинг бўлимлари таркибига

шахар атрофидаги мавжуд табиий ландшафтни тадқиқ қилиб, унинг тоғлари, сойлари, тепаликлари, каналлари, булоқлари, боғлари, тарихий карвон йўллари ўзига қамраб олган ягона ландшафт харитасини тузиш, яъни ландшафт режалаштириш ишлари билан ҳам шуғулланиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ҳар бир ўсимлик турли ҳил биз куриб чикаётган ландшафт меъморчилигидаги дарахт ва буталарнинг барчаси маълум бир шароитга мослашган холда ўсади, ривожланади. Ҳар бир дарахт ва буталарга маълум миқдорда температура, намлик, ёруғлик, тупроқнинг механик таркиби, тупроқ намлиги ва бошқа шароитлар зарур. Ушбу шароитлар ташкил этилса ҳар бир ўсимликдан кутилган натижани олиш мумкин, агарда ушбу шароитларнинг бирортаси ортиқча ёки кам бўлса ўсимлик етарли даражада ривожланмай қолишини кўришимиз мумкин. Бунга мисол сифатида шаҳримизни ободонлаштиришда ишлатилган кипарис мисолида кўришимиз мумкин. Нам тропик ва нам суптропик илиқ иқлимга мослашган ушбу доимий яшил бута бизнинг қишги совуқ иқлимимизга бардош бераолмайди.

Ҳозир шаҳарларимизни кукаламзорлаштиришда жуда кўп миқдорда қарағай экилаётганлигига гувоҳ бўламиз. Қарағай бизнинг маҳаллий дарахт эмас ва у шахар кўчаларида ўзини ўрмон шароитидагидек хис қила

олмаслиги аниқ. Иқлимий шароити ўсиб ривожлиниши учун жуда қулай бўлмаганлиги сабабли уларнинг шохлари ва ниналари ўрмон шароитида усган қарағайларга нисбатан 1.5-2.0 баробар кам.

Шахар кўчалари ва хиёбонларларда экиладиган дарахт ва буталар турли хил мақсадларда экилади. Биринчи мақсадда узининг ташқи қуриниши билан шахар ёки хиёбонлар қуркига қурқ қўшса, иккинчи томондан ёзнинг жазирама иссиғидан шахар кўчаларида салқин ҳавони ташкил қилишда катта рол ўйнайди ҳамда учинчи томондан кўча шовқинини шу билан бир қаторда биноларга келадиган чангни сақлаб қолади.

Игна баргли дарахтлар йилнинг ҳамма фаслида ҳам яхши манзара беради, лекин иккинчи томондан қарайдиган бўлсак ёзнинг жазирамасида соя салқин беришини жуда яхши дея олмаймиз. Шовқинни шу билан биргаликда чангни ушлаб қолишда улар барғли дарахтларга тенглаша олмайди.

Чинор, каштан, терак, заранг, липа(аргувон), садақайрағоч(гужум), қарағай қалин соя беради ва барглари арчаларга нисбатан 2.0-3.0 баробар шовқин ҳамда чангларни кўпроқ ушлаб қолади. Бу дарахтлар шахар кўркига кўрк қушишдан ташқари баланд бўйи барглариининг қалинлиги ҳисобидан ёз ойларида шахар кўчалирида салқин микро иқлим яратишда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон шароитига мос дарахтлар ва буталарнинг аниқлаб бериш, ҳамда шу дарахт ва буталарнинг қайси муҳитда ва қанақа жойда қўлланилишини лойиха таклифини ишлаб бериш (маъмурий бинолар, умумий тураржой ва кенг хажмдаги ишлаб чиқариш ҳудудларида), ландшафт меъморчилигида қўлланиладиган дарахт ва буталарнинг ташқи кўринишларини аниқлаш, **муҳим мақсад** бўлиб ҳисобланади. Шу мақсаддан келиб чиқаётган **асосий масалалар:**

- қўлланиладиган дарахт ва буталарнинг ташқи кўриниши

жихатидан атроф мўҳитга боғлиқлигини аниқлаб кўрсатиб бериш;

- ўсимликларни турларга бўлиш (классификациялаштириш);

- лойиха таклифларидаги ҳудудга мос келадиганини топиб улар ёрдамида лойиха таклифларини бериш;

- лойихаланаётган ҳудудни ҳар хил дарахт ва буталар ёрдамида турли хил қуринишларини тайёрлаш, ҳамда уларни бир биридан фарқини аниқлаб, уларнинг ичидан керакли эстетик қуринишларни, иқлим талабига жавоб берадиганларини, ва физик хусусиятлари талабга мосликларини топиш.

Умумий хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, шаҳар ва

қишлоқ кўчаларини ободонлаштиришда ландшафт меъморчилигини

гулзор ва хиёбонларни ташкил этишда ҳар бир дарахт, бута ва гулнинг

узига хос урнини аниқлаб утказиш ландшафт архитекторларидан катта маҳорат

талаб қилади. Шу билан бир қаторда халқимизнинг қуп йиллик тажрибаларига

таянган ҳолда иш олиб бориш, биздан кейинги авлодга ўзимизнинг маҳаллий дарахт буталар билан ишлашга катта замин ярата оламиз деган умиддамиз. __

**ҲАЁТӢЙ ФАОЛИЯТ
ХАВФСИЗЛИГИ
ҚИСМИ**

Диплом лойиҳа иши “_____” мавзусида бўлиб,
унда боғининг меъморий ландшафт дизайн ечими масаласи қараб чиқилган.

Диплом лойиҳа ишида Самарқанд Давлат архитектура қурилиш
институтига яқин жойда жойлашган “Архитекторлар” хийбонини ландшафт

ечими лойихаси ҳозирги замон муҳандислик талабларидан келиб чиққан ҳолда инсонларни хавфсизлигини таъминлаш, электир хавфсизлиги ошириш ва ёғин-сочинлардан одамларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ўрганиб чиқилиб хибоннинг функциявий ландшафт-дизайн ечими кўриб чиқилган.

Объект _____ да жойлашган бўлиб, ҳаво хавзасига нисбатан кам ифлосланган, экологик тоза ҳудудда жойлашган.



Бинонинг шарқ тамонида-----
-----лар, шимол
томонида.....лар, жануб томонида
.....лар ва ғарб томонида
.....лар жойлашган.

Регионнинг ўзига хос метеорологик ва климатик хусусиятларига кўра, йил давомида атмосфера хавосидаги зарарли аралашмаларни тарқалиб-ёйилиб кетишини қийинлаштирадиган шароит кам кузатилади. Меъморий-ландшафт ечимида шамол йўналиши, қуёшнинг тушиши ва ёғингарчилик вақтида сувларнинг кетиш йўли, хавонинг исиб кетиши, ҳавонинг совиб кетиши, ер рельефлари, ҳавонинг тезлиги энг муҳим ўринни эгаллайди.

Қуйида _____ меъёри лойихасини тайёрлашда ишлатилган климатик параметрлар келтирилган.

Асосий кўрсаткичлар	Белгиланиши	Ўлчов бирлиги	Қиймати
Атмосфера стратификациясига боғлиқ бўлган коэффицент	A		200
Ер рельефининг коэффиценти			1,0
Ҳаврнинг ўртача температураси соат 13 да:			
Энг иссиқ ой учун ташқаридаги ҳавонинг ўртача максимал ҳарорати	T_n	° C	+33,4
Энг совуқ ой учун ташқаридаги ҳавонинг ўртача максимал ҳарорати	T_c	° C	- 3
Шамол тезлиги, 5% такрорланувчанликда аниқ бўлган	U^C	м/с	6
Шамолнинг ўртача йиллик тезлиги	W_{cp}	м/с	2,0
Шамол йўналишининг ўртача такрорланувчанлиги	Ш	%	3

	ШШр	%	7
	Шр	%	36
	ЖШр	%	26
	Ж	%	7
	ЖҒ	%	5
	Ғ	%	10
	ШҒ	%	6



Шунинг учун ҳам диплом лойиҳа ишининг “Ҳаётӣ фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” бўлимида биз асосий эътиборни ҳар қандай жойда ҳам, исталган пайтда ҳам содир бўлиш эҳтимоли бўлган тез-тез

юз берадиган ёнғин, портлаш, электр хавфсизлиги, хаво хароратининг кескин совуб ва исиб кетиши, кучли қор ва ёмғир ёғиши, зилзилага ва санитария-гигиена талаблари ҳамда тизимларининг ишдан чиқиши, сув босиши каби офатларга қаратилади.

туриб истеъмол қилиш қатъиян маън этилади.

ЛОЙИҲА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА РАНГЛАРНИ ТАЪСИРИ

Ишлаб чиқариш эстетикасини жорий қилиш, хоналарни ва интерьерни кўзни қамаштирмайдиган рангда бўяш, ёритиш, мусиқа, безаш - толиқишнинг олдини олишда, рухий физиологик йуналиш ҳисобланади. Кўпчилик ишлаб чиқариш биноларини яшил рангга буяш мақсадга мувофиқ, чунки, бу ранг таъсирсиз бўлиб, марказий асаб тизимини уйғотишга ҳам, тормозлашга ҳам сабаб бўлмайди. Асабга тормозловчи таъсир кўрсатадиган кўк ва хаво ранг бўёқлар билан иссиқликни кўп ажратадиган ёки шовқин ҳосил қиладиган хоналарни ускуналарини буяш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қизил ва сариқ ранглар кўзга таъсир кўрсатади, шунинг учун улардан ишчилар қисқа ишлайдиган, яъни, созлаш ва таъмирлаш ишларини бажариш вақтидагина бўладиган хоналарда фойдаланиш мумкин.

Бироқ хона ва ускуналарни бир хил ранг билан бўяш тавсия этилмайди, чунки бундай бир хиллик одамга салбий таъсир этиб инсон организми ҳимоясини ва асабни марказлашувини камайтиради. Буюқлардан, шунингдек, ишора ёки эҳтиёткорлик мақсадида ҳам фойдаланилади. Транспорт воситалари, цехдаги жумроклар ва бошқа ускуналарни тиниқ рангларга буяш, ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳолларининг камайишига олиб келади. Цех ва бошқа жойларни унумли ёритиш ёруғликнинг бир текис тарқалиши, цехнинг ички томонларини бадиий безатиш, чиройли ва қулай иш кийими толиқишнинг олдини олади. Меҳнатнинг тиббий шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш муҳитининг гигиеник талабларига мувофиқ қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларида бири ҳисобланади. Чанг,

газ, шовқин ва тебранишларни камайтириш, меъёрий микроиклим яратиш, буларнинг ҳаммаси касбга алоқадор ва касбга алоқаси бўлмаган касалликларнинг олдини олиш учунгина эмас, балки иш қобилятининг юксак бўлиши учун ҳам зарур шароит ҳисобланади

СЕЛ ХАВФИ ВА СУВ ТОШҚИНИ ДАМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ҲАРАКАТИ

Самарқанд Давлат архитектура қурилиш институти яқинида жойлашган “Архитекторлар” хиёбонида сел ва сув тошқини бўлганда сувни кетадиган йўли йўқ. Шунинг учун қуйидаги ҳолларда аҳолини ҳаракатини ҳисобга олган маъқул.

Сув тошқини – дарё, кўл ёки бошқа сув ҳавзалари сув сатҳининг кескин кўтарилиши натижасида жойнинг вақтинчалик сув остида қолиши.

Сел- тоғ дарёлари ўзанларида тўсатдан юзага келувчи, сув, тоғ жинслари бўлаклари аралашмасидан иборат лойқа ёки лой тошли оқим.

Сел хавфи ва сув тошқини бўлгангача ҳаракат

- Сел келиши ва сув тошқин бўлиши мумкин бўлган жойларни билиб олинг.
- Қурилиш ишларини фақат давлат органлари рухсати билан олиб боринг.
- Сел келиши ва сув тошқин бўлиши тўғрисидаги хабарни олгач, газ, электр тармоқларини ўчириш ва қимматбаҳо буюмларнингизни хавсиз жойларга олиб чиқинг.
- Олдиндан хавфсиз жойларни ва у ерга чиқиш йўлларини белгилаб қўйинг.
- Озиқ – овқат, кийим кечак, дори дормонларни ва қутқарув воситаларини тайёрлаб қўйинг.
- Аввалдан белгилаб қўйилган йўналиш бўйича тезликда хавфсиз жой (тепалик, юқори қават, болохона, том)га чиқинг.

- Эвакуация тўғрисидаги хабарни олгач, режага асосан ҳаракат қилинг.

Сел ва сув тошқини вақтидаги ҳаракат.

- Эвакуация тўғрисидаги хабарни олишингиз билан аввалдан тайёрлаб қўйилган энг зарур буюмларни олиб чиқиб кетинг.
- Саросимага тушмай, олинган ахборот ва вазиятни тезда баҳолаб, қарор қабул қилгач унга биноан ҳаракат қилинг.
- Сел ва сув тошқини бўлиши мумкин бўлган хавфли майдонларни тезда тарк этинг.
- Сел оқимига тушиб қолсангиз, оқим ҳаракати бўйлаб бурқак остида қирғоққа чиқиб олишга ҳаракат қилинг.
- Гулхан ёқиб, фонар ёки оқ мато ёрдамида ҳалокат сигналини беринг.
- Сув ичида қолсангиз, устки кийим-бошларнингиз ва пойафзалингизни ечиб ташланг, атрофинигиздаги сузувчи воситалардан фойдаланинг.
- Болалар ва кексаларга ёрдам беринг.

Сел ва сув тошқинидан сўнги ҳаракат.

- Сел ва сув тошқини бўлмаслигига ишонч ҳосил қилинг.
- Болаларга, кексаларга ва шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатинг.
- Уйингизнинг мустаҳкамлигини синчиклаб текшириб чиқинг.
- Турар жойингиз қум, тош, лойқа билан тўлиб қолган бўлса, тозалаш ишларини ўтказинг.
- Узилган ва осилиб ётган электр симларидан эҳтиёт бўлинг. Сув остида қолган жойлардаги электр таъминотини тезда ўчиринг.
- Озиқ овқат маҳсулотларининг сифатини текшириб кўринг. Нам тортган маҳсулотларни ва ичимлик сувини тегишли санитар ишловдан ўтказмай

Ўтни ўчиришни дастлабки ускуналари.

Ўтни ўчириш ускуналари: қўлда ишлатиладиган бирламчи воситалар; бир жойда муқим ўрнатиладиган ва механик ёки автоматик ҳаракатга

келтириладиган ускуналар; ҳархил масофадаги ҳудудларда ҳаракатланаоладиган кўчма ускуналар ва бошқаларга бўлинади.

Бирламчи ўт ўчириш воситаларига, ташкилот ишчи ва хизматчилари ёки ихтиёрий ёнғин дружина (ИЁД-ДПД) аъзолари томонидан ишлатишга мўлжалланган, ёнғинга қарши «қалқонлар»да изоҳланган оддий асбоблар, махсус енг ва дастаклар билан жиҳозланган ички ўт ўчириш кранлари ва бошқа ускуналар киради.

Маъмурий бинолар ва саноат корхоналарида, ёнувчи ашёлар ва портловчи моддалар сақланадиган омборхоналар ҳудудида, ёнғин хавфи мавжуд бўлган жойларда ўт ўчиришда қўлланиладиган асбоблар ўрнатилган, «ёнғинга қарши қалқон» чизма да акс эттирилган.




Рис. 60. Пожарный пункт и размещение инвентаря:
1 — песок; 2 — огнетушители; 3 — доска правил пожарной безопасности; 4 — бочка; 5 — рукава; 6 — багры; 7 — ствол пожарный; 8 — доска-график работы ДПД.

Ёнғинга қарши «қалқон» ва ундаги асбобларни ўрнатилиши.

Унда ёнғин хавфсизлиги меъзонларига кўра қуйидаги ўт ўчириш воситалари ва асбоблари зарур бўлганда осон олинладиган қилиб осиб қўйилган бўлиши шарт:

2 дона қўлда ишлатиладиган кўпикли ўт ўчиргич;

1 дона карбонат ангидридли ўт ўчиргич;

2 тадан мисрон ва илгакли чангаклар;
2 та болта; 2 та ёнғинга қарши сув узатгич эластик енглар;
2 та махсус тайёрланган конуссимон челақлар;
2 та бел курак; 1 та бочкада сув ва 1 та қутида қум ва ҳ.к.

Бундай қалқонлар маъмурий биноларнинг ҳовли томонидан, бинога кириш эшигига яқин жойда ўрнатилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида, ёнғин хавфи мавжуд бўлган цехлар ва омборхоналарга кириш эшикларига яқин жойларда ўрнатилади. Ҳимояланаётган ҳудуднинг ҳар 5000 квадрат метрига 1 та «қалқон» ҳисобидан лойиҳалаштирилади.

Ундаги сув бочкасининг ҳажми 200 л дан кам бўлмаслиги керак, қум солинадиган қутининг ҳажми эса 2-3 м³ атрофида бўлади.

Ўт ўчирувчи кўпиклар. Кимёвий ёки ҳаволи механик кўпиклар, кўпик ҳосил қилувчи кукунларни суяқ муҳитда эритиш йўли билан ҳосил қилинади. Бунинг учун таркибида жавҳар ўрнини босувчи алюминосулфат $Al_2(SO_4)_3$ билан ишқор ўрнига натрий бикарбонат $NaHCO_3$ моддаларининг куруқ ҳолатдаги қоришмаларидан тайёрланган кукун, махсус мосламаларда босим остида сувга аралаштириб, эластик кувурларда оқизилади. +ўлда ўт ўчириш балонларида кўпик ҳосил қилувчи жавҳар қисмида, сулфат жавҳари H_2SO_4 ёки сулфат тузи билан оксидланган темир $Fe_2(SO_4)_3$ моддаларининг аралашмаси ишлатилади.

ЭВАКУАЦИЯ ЧИКИШ ЖОЙЛАРИ ВА ЙУЛЛАРИНИНГ МИҚДОРИ ВА ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ, ҚМҚ ТАЛАБЛАРИ

Зилзила, ёнғин ва сув тошқинлари каби фавқулодда вазиятлар содир бўлган тақдирда бино ва иншоотларда яшайдиган ёки ишлайдиган аҳолини муҳофаза қилишда катта самарадорликка уларни эвакуация қилиш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам қурилишларни лойиҳалашдаги асосий вазифалардан бири бу – фавқулодда вазиятларда аҳолини эвакуация қилиш йўлларининг режавий-конструктив ечимини ишлаб чиқилишидир.

ЛОЙИҲАДА ЭВАКУАЦИЯ РЕЖАСИНИ КЕЛТИРИНГ

Ҳар қандай мақсадда қурилган иншоот ва бинолар(яшаш, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари)да ҳам одамларнинг ҳаракатланишини муҳим жараён деб қараш зарур. Ҳаракатланиш жараёнининг кечадиган шароитидан боғлиқ равишда икки тури мавжуд. Биринчиси одатий ҳаракатланиш, иккинчиси эса—мажбурий ҳаракатланиш. Бино ва иншоотлардаги оддий иш шароитларда кишиларнинг одатий ҳаракатланиши содир бўлади. Фавқулодда вазиятлар шароитида эса кишиларнинг ҳаётига хавф таҳдид солиши сабабли, мажбурий ҳаракатланиш амалга оширилади.

Аҳолини эвакуация қилиш деб номланувчи, мажбурий ҳаракатланиш ўзига хос хусусиятларга эга. Офат(хавф) манбаидан хавфсиз жойга ҳаракатланиб одамларнинг ташқарига чиқиши Боғда жойлашган бино ва иншоотларда хонадан-хонага эшиклар орқали, ўтиш йўлаклари ва коридорлар бўйлаб юриб, зинапоялардан тушишига тўғри келади. Бу йўллар ва чиқиш жойлари маълум талаблар бажарилган тақдирда эвакуация йўллари дейлади. Юз берган фавқулодда вазиятларнинг турига боғлиқ равишда ҳаракатланиш мобайнида одамларга таъсир этувчи хавф ва одамлар оқимининг миқдори ўзгариб боради. Бу ўзгариш биноларнинг мўлжалланиши, одамлар оқимининг таркиби ва турига ҳамда эвакуациянинг босқичига боғлиқ равишда ҳар хил кечади.

Эвакуация пайтида ўзининг мустақил ҳаракатлана олиш нуқтаи-назаридан кишиларнинг ҳолати одамлар оқимини характерлашда муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда болалар муассасалари, касалхоналар, даволаш муассасалари, лицейлар, мактаблар, коллежлар, меҳмонхоналар ва театрларни алоҳида қараб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Эвакуация чиқиш жойларининг энг кам миқдорини аниқлаш услубини меъёрлар талаблари билан асослаш лозим. Хоналар, каватлар ва бинолардаги эвакуация чиқиш жойлари миқдори ва умумий кенглиги улар орқали олиб чиқиладиган одамларнинг эҳтимол тутилган энг куп сонидан ва йул қўйиш

мумкин булган чегаравий масофадан, одамлар булиши эхтимоли булган энг узокдаги(ишчи урни) жойдан энг якин эвакуация чикиш жойигача булган масофадан келиб чикиб аникланади.

Турли хизматлар учун мулжалланган ёнгин хавфи булган, ёнгинга карши тусиклар билан ажратилган бино кисмлари мустакил эвакуация чикиш жойларига эга булиш лозим.

Куйидагилар энг камида икки эвакуация чикиш жойига эга булиши керак:

Болалар богчалари, мактабгача муассасалар, кариялар уйлари, касалхоналар, бир вақтнинг узида 10 нафардан ортик одам келиб туришига мулжалланган мактаб-интернатлар, ётоқ корпуслари хоналари;

- бир вақтнинг узида 15 дан ортик одам келиб туришига мулжалланган ертула ва пастки каватлар хоналари;

- 50 дан ортик одам келиб туришига мулжалланган хоналар;

- ишлаб чикариш ва омбор бинолари, А ва Б тоифадаги хоналар ва иншоотлар

- ишловчиларнинг энг куп сони сменада 5 кишидан ортик, В тоифасида - 25 кишидан ортик ёки майдони 1000 м^2 булганда;

- ишлаб чикариш ва омборхоналардаги курсатишга мулжалланган жихозларга хизмат очик жовонлар ва майдонлари А ва Б тоифадаги хоналар учун полнинг сатхи 100 м^2 дан оширок, бошка хоналар учун 400 м^2 дан оширок булса;

- куп каватли уйларда хонадон икки каватдан юкорида жойлашганда, юкори кават 15м дан ортик булса, хар бир кават чикиш йулига эга булиши керак.

Куйидаги бинолар каватлари камида битта эвакуация чикиш жойларига эга бўлиши лозим: .

- болалар мактабгача муассасалари, кариялар ва ногиронлар уйлари, касалхоналар, мактаб-интернат ётоқ корпуслари, бекатлар, мактаблар, мактабдан ташкари муассасалар, урта махсус укув юртлари, касб-техника укув юртлари, олий укув юртлари, малака ошириш муассасалари;

Бино ва иншоотларда одамларни ҳаракатланиши зарурий функционал жараён ҳисобланади. Бу жараёни кечиш шароитига қараб одамларни ҳаракати меъёрий ёки мажбурий ҳолатда бўлиши мумкин. Биринчисида одамларни бино ва иншоотларда кундалик эҳтиёж юзасидан нормал ҳаракатланиши билан ифодаланса, иккинчисига бино ёки хоналардан ёнғин ёки zilзила шароитида одамларни хавфли муҳитдан хавфсиз жойга мажбурий кўчиш учун мўлжалланган ҳаракати тушинилади.

Мажбурий эвакуация жараёни икки-тўртта поғонада ўтказилади. Биринчи поғона бу бинонинг охириги қаватида энг четда жойлашган хонадаги чиқиш эшигидан максимал узоклашган иш жойидан одамларни коридорга чиқишидир. Буларга барча бино ва иншоотларнинг юқори қаватидаги хоналари киради.

Иккинчи поғонага одамларни хонанинг чиқиш эшигидан то зинахона эшигигача бўлган масофани босиб ўтиши учун мўлжалланган ҳаракати киради. Бунда ҳаракатланувчи оқим коридор бўйлаб ўтади. Агар бино бир қаватли бўлса, эвакуация иккинчи поғонадан сўнг тугаши мумкин.

Учинчи поғонага одамларни юқориги қаватнинг зинахонага кириш эшигидан то биринчи қаватда зинахонадан чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтиш учун қилинган ҳаракати киради.

Тўртинчи поғонага одамларни зинахонадан чиққандан кейин вестибюл ёки фойе ва тамбур орқали ташқарига чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтишига қаратилган ҳаракати киради.

Эвакуация йўллари деб, бино ва иншоотларда хавфли ҳолат юзага келганда, одамларни бино ичида жойлашган доимий иш жойидан, қисқа вақт ичида ташқарига олиб чиқадиган элементлар тизимига айтилади. Бундай элементларга одамларни доимий иш жойидан энг қисқа йўл билан ташқарига олиб чиқадиган йўналиш бўйлаб жойлашган йўлаклар, коридорлар, даҳлиз, зинахонадаги зинапоаялар ва майдончалар, дарвозахоналар-вестибюл, тамбур (кириш дарвозалари орасидаги махсус хона), чиқиш эшиклари ва бошқалар киради.

Чиқинди ва чанг тупланишига мулжалланган бункер остида ёнмайдиغان материаллардан утиш йуллари лойихаланиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнларини технологик лойихалаш меъёрларига асосан портлашга, ёнгинга қарши ва ёниш хавфсизлиги талаблари бўйича қабул қилиш керак.

Бир йуналиш бўйича ҳаракатланаётган кишилар оқим зичлига, ҳаракат тезлиги, ҳаракат интенсивлиги ва йул қисмининг утқизиш қобилияти қаби курсатқичлар билан таърифланувчи одамлар оқимини ташкил этади.

Одамлар оқими зичлиги эвакуация йулида-майдон бирлигида жойлашувчи одамлар микдорини ташкил этади. Қатта ёшдагиларни эвакуация қилишда зичлик 10-12 одам/қв.м ни, укувчиларни эвакуация қилишда 20-25 одам /қв.м ни ташкил этиши мумкин.

Одамлар оқимининг ҳаракат тезлиги йул туридан ва одамлар оқими зичлигидан келиб чиқади. Одамлар оқимининг чегаравий зичлигида одамлар тупланмаслиги учун ҳаракат тезлиги қуйидагиларни ташкил этади:

-горизонтал йул учун 15м/дақиқа

-зина орқали пастга 8м/дақиқа

-зина орқали юқорига 11 м/дақиқа

Одамлар оқими интенсивлиги, эвакуация йулидаги 1 метр эшик орқали 1 дақиқа ичида утувчи одамлар сонини таърифлайди.

Йул қисмининг утқизиш қобилияти ундан вақт бирлигида утган одамлар сонини таърифлайди.

Зарурий эвакуация вақти деб, у тугагандан сунг ёнгин пайтида ишчи минтақада одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун ёнишга хавфли омиллари пайдо буладиган вақтга айтилади.

Битта эвакуация чиқиш жойига эга булган хоналар учун ҳамда ҳар бир эвакуация чиқиш жойига одамлар сони 50 кишидан ошмаса ва энг узоқ иш жойидан энг яқин эвакуация чиқиш жойигача булган масофа 25 м дан ошмагани холда эвакуация вақти ҳисоби ишлаб чиқилмайди.

ЭЛЕКТРДАН ЖАРОҲАТЛАНГАНДА ДАСТЛАБКИ ТЕЗ ЁРДАМ

Электрдан жароқатланган кишини дарҳол токнинг таъсиридан халос этиб тоза ҳавога, қуруқ ерга ёки тахта устига ётқизиш лозим бўлади. Агар жароҳатланувчининг нафас олиши ва томир уриши сезилиб турса, уни орқасига қулайроқ ётқизиб, кўкрак тугмаларини ва камарини ечиб тоза ҳаводан нафас олишига ва тинчлигига ҳалақит бермаслик керак. Доим ахволдан, юрак уриши ва нафас олишидан хабардор бўлиб турмоқ талаб қилинади. Нашатир бўлса ҳидлатиш мумкин. Агар жароҳатланувчи нафас олмаса ёки ўқтин-ўқтин хириллаши сезилса, дарҳол уни оғзини очиб, тилини текшириш зарур, агар тил танглайга тикилиб, нафас йўлини тўсаётган бўлса дарҳол тилини олдига тортиб, кекирдак йўлини очиш керак. Шу тариқа ҳаво йўли очиклиги аниқлангандан кейин сунъий нафас олдириш билан бирга юракни «массаж» қилиш керак бўлади.


Токдан ажратиб олиш

Электр тармоғига уланиб, ҳуш - беҳуш ҳолатда турган одамни қандай қилиб халос этиш мумкин? Бундай ҳолларда 1-расмда кўрсатилганидек, ўчиргич, ажратгич (рубильник) ёки пробкани чиқариб олиш йўли билан токни тез ўчириш керак бўлади (1-расмда 1,2,3). Агар буни имконияти бўлмаса, бирор бир қуруқ ток ўтказмайдиган восита, ёғоч ёки пластмасс таёқ ёрдамида электр симини ажратиш, ёки болта билан кесиб жароҳатланувчини электр занжиридан озод қилиш керак бўлади (1-расмда 4,5,6). Агар борди-ю жароҳатланувчи электр занжирига ўтказгични кафти билан ушлаган ҳолда уланиб қолган бўлса, уни зинҳор мушт ҳолатида симни сиқиб турган панжаларини қўлингиз билан очишга уринманг! Бу ўзингиз учун ҳам хавфлидир, сиз ҳам занжирга уланиб қолишингиз муқаррар! Асаб ва пай толалари қисқариб панжаларни букиб қўйганда уларни қайта тиклаш осон бўлмайди.

Шунинг учун бундай ҳолларда оёққа резина этик, ё калиш кийган ҳолда ёки резина гиламчани токли сим устидан тўшаб, унинг устига оёқ билан чиқиб, жароҳатланувчининг қуруқ енгидан ёки резина қўлқоп кийган бўлсангиз уни билагидан юқорироқ жойидан икки қўллаб куч билан ажратиб

олишингиз мумкин. Бу тадбирларни 1000 вольтдан кам бўлган кучланишли тармоқларда ишловчи ускуналарда қўллаш кўзда тутилган. 1000 вольтдан юқори кучланишли

тармоқлардан жароҳат-ланувчиларни ажратиш учун албатта халоскор қўлига диэлектрик қўлқоп (ток ўтказмайдиган қўлқоп) ва оёғига бўти кийган ҳолда диэлектрик штанга ёки махсус омбир ёрдамида кийимнинг мустаҳкам жойидан ушлаб тортиб ажратиш зарур.



Электр тармоғига уланиб қолган одамни занжирдан ажратиб олиш

Изоҳ: 1,2,3, -занжирни электр тармоғидан узиб қўйиш; 4.5.6- занжир таъсирдан одамни ажратиб олиш.

Бу ишларни бажаришдан олдин ток ўтказувчи ҳамма фаза симларини олдиндан махсус тайёрланган (бу мослама электр хавфи юқори бўлган ҳар бир иш жойида тайёр туриши керак) ўтказгич ёрдамида бирлаштирган қолда жароҳатланувчи ётган жойдан энг камида 10 м нарироқдан ерга улаб қўйиш керак бўлади. Бу тадбир одамни тоқдан ажратиб олиш вақти чўзилиб қолган тақдирда унга таъсир этаётган токнинг кучини қирқади. Натижада жароҳатланиш даражасини енгиллатади. Ердан қўл етмайдиган даражада баландроқ жойда электр тармоғига уланиб қолган одамни, юқорида қайд қилинган тартиблардан бирини қўллаган қолда жароҳатланувчи остига ердан 0,5 - 1,0 м баландликда пишиқроқ матодан ёки кенгроқ тикилган

устки кийимдан фойдаланиб 2 ёки ундан ортиқ одам ёрдамида чодир тутмоқ лозим. Бунинг оқибатида тоқдан ажратилган қушсиз одамни ерга каттиқ тушиб жароқатланишидан асраб қолинади.

ЕР СИЛКИНИШИ(ЗИЛЗИЛА) ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Табиий офатлар ичида энг хавфлиси ва даҳшатлиси бу – ер силкиниши(зилзила)дир. Ер силкиниши – ер ости зарбаси ва ер устки қатламининг тебраниши бўлиб, табиий офатлар, технологик жараёнлар туфайли вужудга келади. Ер остки зарбасининг пайдо бўлиш ўчоғи, ернинг остки қатламида узоқ вақт йиғилиб қолган энергиянинг юзага отилиб чиқиш жараёни туфайли юзага келади. Ўчоқнинг ички қисми маркази гипоцентр дейилади, ернинг устки қисмидаги маркази эпицентр дейилади.

Ер силкиниши юзага келиш сабабларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Тектоник зилзилалар;
- Вулқон зилзилалари;
- Ағдарилиш, ўпирилиш зилзилалари;
- Техноген(инсоннинг муҳандислик фаолияти билан боғлиқ) зилзилалар.

Юқорида айтиб ўтилган ер силкиниши турлари ичида катта майдонга тарқаладигани ва энг кўп талофат келтирадигани тектоник ер силкинишидир. Маълумки, ҳар йили планетамизда 100 000 дан ортиқ ер силкинишларини сейсмик асбоблар(сейсмографлар) қайд этади. Булардан 100 таси вайрон қилувчи фожа бўлиб, иморат ва иншоотларнинг бузилишига, ер юзасида ёриқларнинг пайдо бўлишига, минг-минглаб инсонлар ёстиғининг қуришига олиб келади.

Ер силкиниш ўчоғи гипоцентрнинг жойлашган чуқурлиги бўйича зилзилаларни: юзаки – 70 км.гача, ўрта – 70-300 км. ва чуқур – 300 км.дан

пастда “мантия” катламида вужудга келадиган турларга ажратиш мумкин. Республикамизда кузатиладиган зилзилаларнинг ўчоғи асосан 70 км.гача чуқурликларда жойлашганлиги қайд этилган.

Кучли ер силкиниши оқибатида ернинг яхлитлиги, бутунлиги ўзгаради, иншоотлар, жиҳозлар бузилади, коммунал-энергетик қисмлар ишдан чиқиши, инсонлар ўлими юз беради. Ер қимирлашнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: ер силкиниш ўчоғининг чуқурлиги, силкиниш амплитудаси ва ер силкинишининг интенсив энергияси.

Ер силкинишининг кишилар рухий ҳолатига бўлган таъсири, иморат ва иншоотларнинг бузилиши, вайрон қилиниши, ер юзасида вужудга келган ўзгаришлар (ер сатҳида ёриқлар ва булоқларнинг пайдо бўлиши) инсонларга юз берган ҳодисаларнинг кучини баҳолашга ўргатган. Натижада нисбий баҳолаш шкаласи пайдо бўлган.

Ер силкинишининг оқибатларини тугатишда ишга яроқли ҳар бир киши иштирок этиши зарур ва қуйидаги ишлар бирламчи ҳисобланади:

- Ер тагида, бузилган ва ёнаётган уйда қолган одамларни қутқариш;
- Ишлаб чиқариш, коммунал-энергетик тизимларда содир бўладиган аварияларнинг олдини олиш ва тўғрилаш (чунки, булар инсон ҳаётига хавф солади);
- Бузилган уйларни, иншоотларни тиклаш;
- Талофат кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш шаҳобчаларини тайёрлаш;
- Ер силкиниш ўчоғида сув таъминотини тиклаш.

Шунинг учун ҳар бир корхона раҳбари ер силкиниши оқибатларини камайтиришнинг асосий тадбирларини билиши зарур. Булар қуйидагилардан иборат:

- Ҳудуднинг сейсмик харитаси, унда зилзила бўлиш эҳтимоли бор жойлар ва унинг кучи кўрсатилади;
- Зилзилага бардош берадиган уйлар ва саноат иншоотларини қуриш;

- Зилзила содир бўлиб қолган ҳолда аҳоли ўзини қандай тутиши ва хатти-ҳаракатлари ҳақида тушунтириш.

Зилзила рўй берганда аҳолининг ҳаракати

Зилзилага қадар бўлган ҳаракат:

- 1) Уйингиз ва ишхонангиздаги энг хавфсиз жойларни олдиндан аниқлаб қўйинг.
- 2) Энг зарур нарсаларингиз (ҳужжатлар, қимматли қоғозлар, дори қутиси) доимий тайёр ҳолда турсин.
- 3) Электр, газ ва сув тармоқлари беркитгичлари жойлашган ерни ҳамда улардан тезликда фойдаланишни ўрганиб олинг.
- 4) Осма буюмларни маҳкамлаб қўйинг.
- 5) Оғир буюмларни иложи борича полга яқинроқ жойлаштиринг.
- 6) Йўлаклар ва чиқиш йўллари буюмлар билан тўсиб қўйманг.
- 7) Зилзила тугагандан сўнг оила аъзолари йиғилиши лозим бўлган жойни аввалдан шартлашиб олинг.

Зилзила вақтидаги ҳаракат:

- 1) Биринчи қаватда бўлсангиз, тезда бинодан чиқинг, юқоридан кўчиб тушаётган нарсалардан эҳтиёт бўлинг.
- 2) Иккинчи ва ундан юқори қаватларда аввалдан белгилаб қўйилган хавфсиз жойларни эгалланг.
- 3) Дераза, айвон ва печкалардан узоқроқда бўлинг.
- 4) Лифт ва зиналардан фойдаланманг.
- 5) Кўчада қулаб тушиши мумкин бўлган бино, иншоот, баланд девор, электр тармоқларидан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилинг.
- 6) Автомобилда кетаётган бўлсангиз, машинани тўхтатинг ва зилзила ўтиб кетмагунга қадар ташқарига чиқманг.
- 7) Қулаб тушиши мумкин бўлган кўприк, эстакада ва бошқа иншоотларга яқинлашманг.

Зилзиладан сўнгги ҳаракат:

1) Саросимага тушмай, хотиржамлик билан вазиятни баҳоланг, жабрланганлар ва болаларга ёрдам беришга киришинг.

2) Сув, газ, электр тармоқлари ҳолатини текширинг.

3) Гугурт ёқманг, очик оловдан фойдаланманг.

4) Электр симлари ва уларга тегиб турган буюмлардан эҳтиёт бўлинг.

5) Ёрдамингиз зарур бўлмаса, вайроналарга яқинлашманг.

6) Шикастланган биноларга киришда ва улар ичида эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилинг.

7) Жабрланган ёки вайрона уюмлари остида қолган бўлсангиз, атрофдагиларнинг диққатини ўзингизга жалб қилишга ҳаракат қилинг. Асло тушкунликка тушманг, сизни албатта қутқариб олишади!

8) Телефон тармоқларини ортиқча банд қилманг.

9) Қайта силкинишларга тайёр туринг, берилаётган ахборотларни кузатиб боринг.

Юқорида айтиб ўтилганлардан хулоса қилинадиган бўлса, мазкур диплом лойиҳа ишини бажариш мобайнида Самарқанд шаҳрининг сейсмоактивлик харитасидан ҳамда бу жойларда бўлиб ўтган zilzilalar тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда, ҳамда сув тошқинлари ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш лозим бўлади. Яъни диплом лойиҳасида “Самарқанд Давлат архитектура қурилиш институти “Архитектура” факультетининг ички ҳовлисини “Қишги боғ”ининг жойи, ернинг муҳандислик-геологик маълумотлари ва сейсмоактив ҳудудларда қурилиш ишларини олиб боришда давлат томонидан тасдиқланган қонун-қоидаларга, талабларга риоя қилинмоғи зарур.

ЁРИТИЛГАНЛИК ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Амалиётда иш жойларини ёритишда уч хил кўрнишдаги ёритилганликдан фойдаланилади, яъни улар табиий, сунъий ва аралашган ҳолда бўлади.

Табиий ёритилганлик қуёшдан, ҳамда еру-самодан қайтаётган қуёш нуридан хосил бўлган ёруғлик махсулидир.

Табиий ёруғлик иссиқлик ва ёруғлик доимийларига эга бўлиб, улар қуёшдан келаётган иссиқлик учун 1317 Вт/м⁵ га, ёруғлик учун эса 137000 лк.га тенгдир.

Табиий ёруғликнинг афзалликларн шундаки, унинг таркибида ута фойдали ультрабинафша ва инфракизил нурлари бор. Бу нурлар мухитни соғломлаштиришга хизмат килади, яъни микробларни улдириш хусусиятига эгадир. Табиий ёрутликдан уч хил мосламалар ёрдамида, яъни томдан фонар оркали, девордан дераза оркали ва аралаш холдаги тизимлардан фойдаланилади.

Табиий ёритилганлик тизимларига қуйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат: ёруғлик миқдорини бинонинг вазифасига қараб танланиши, йуналтирилган ёки таркок холларда булишлигини таъминланиши; инсоляция ва ёруғлик меъёрларидан кам булмаслигини таъминланиши ва бошқалар.

Умуман харқандай ёритилганликнинг асосий вазифаси иш жойларига кузатилаётган буюм ва заррачаларни улчамларини хисобга олган холда, қуриш аъзоларининг толикмасдан ишлаши учун энг қулай шароитини яратишда хизмат қилишдир.

Шу нуқтаи назардан сунъий ёруғлик табиийсига нисбатан бир оз қимматга тушса-да, иш жойларини ёритиш масаласида чегараланмаган имкониятларга эга.

Сунъий ёруғлик умумий, махаллий ва аралаш қуринишда бўлади. Умумий ёруғлик хонада бир текис ёритилганликни таъминлай олади. Махаллий ёруғлик эса фақат асосий иш жойидаги ёритилганликни меъёр талаби даражасида таъминлаш учун хизмат қилади. Қузга салбий таъсир этиб, бахтсиз ходисларга сабаб булмаслик учун, одатда махаллий ёритилганлик умумийси билан биргалиқда қулланилади. Бу холдаги

ёритилганлик аралаш усул дейилади ва хоналардаги яркироклик тафовути - контрастни юмшатади ҳамда меъёр талабини тула кондира олади.

Ёритилганликни вазифасига караб ишчи ва назорат турларидан ташкари яна фавкулотда зарур ҳолатларда хизмат киладиган икки тури ҳам мавжуд. Уларни авария ва эвакуация ёритилганликлари дейилади.

Ишчи ёритилганликни вазифаси иш бажарилаётган жойларда ишчиларнинг иш жараёнида меҳнат буюмлари ва курулларни кузларида ҳеч қандай зуриқишсиз, енгил кура олиш имконини, яратишдан иборатдир. Бунинг учун епик муҳитдаги иш жойини санитария талаблари ва хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда яратилган СНиП II. 4-79 дан тугри фойдаланиш қиёядир. ГОСТ 12.046-85 га асосан қурилиш майдонларида умумий ишчи ёритилганлик 2 люксдан кам бўлмаслиги керак.

Ёритилганликни назорат тури, қиймат жиҳатидан 2 люксдан ошмаслиги керак ва у асосан тун қоронғусида бирор муҳит ёки чегарани назорат қилиб туриш учун хизмат қилади;

Ёритилганликни учинчи - авария турини захира сифатида фавкулотда асосий ишчи ёритилганлик элэктр тармоғи ишдан чиқиб қолганда ишни тухтаб қалмаслигини таъминлаш учун ёки тармоқдаги таъмир ишларини тезда бажариш мақсади учун лойиҳалаштирилади. Бунда ёритилганлик миқдори асосий ишчи ёритилганликни 10 фоизини ташкил қилиши ёки пол юзасида 1 люксдан кам бўлмаслиги шартдир.

Эвакуация ёритилганлиги асосан одамлар серкатнов йулакларда ва эвакуация йуллари бўйлаб урнатилиш зарур. Унинг миқдори бино ичида 0.5 люксдан, ташқарида эса 0.2 люксдан кам бўлмаслиги керак.

Мисол тариқасида очик майдоннинг ёритилганлик даражасини ҳисоблаб чиқамиз

Очик майдонни сунъий ёритиш учун зарур ёритгичлар сонини аниқлаш талаб қилинади.

Ер сатҳини ёритиш меъёри - $E = 2$ лк; Ёритиш майдони - 50×1300 м;

Прожектор тури - ПЭС-45; Лампа қуввати - $P_{л} = 1000$ Вт.

Қувватни аниқлаш усулидан, прожекторлар сонини қуйидаги формула ёрдамида топамиз:

$$N = \frac{P \cdot S}{P_{\text{л}}}$$

бу ерда: $D = \frac{A_i \cdot \delta \hat{E}_c}{4} = \frac{2 \cdot 1,5}{4} = 0,75 \text{ м}^2$ - битта лампанинг солиштирма қуввати;

S - ёритилаётган майдон, м^2 ;

$P_{\text{л}}$ - битта лампанинг қуввати, Вт;

K_z - захира коэффициентлари, 1,5...1,7;

E_n - ёритиш меъёри, 2 лк.

Зарур бўлган ёриткичар сонини қуйидаги формуладан топамиз:

$$N = \frac{PS}{P_{\text{л}}} = \frac{0,75 \cdot 50 \cdot 1300}{1000} = 48,75$$

ЭКОЛОГИЯ ҚИСМИ

Диплом лойихасининг мавзуси _____

Экология қисми бўйича

Лойиха қилинаётган объект қурилишининг атроф-мухитга таъсирини баҳолаш ва экологик таҳлил қилиш.

Лойиха қилинаётган объект қурилишининг атроф-мухитга таъсирини баҳолашда қуйидагиларни ўрганиб чиқиш ва бажариш талаб этилади:

1. Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг (худуднинг) физико-географик ва иклим шароитлари;
2. Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;
3. Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари;
4. Худуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги;
5. Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;
6. Лойиха ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш;
7. Объект қурилишида атроф-мухитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар, шовкин, табиий ресурслардан фойдаланиш, қаттиқ чиқиндилар) баҳолаш;
8. Қурилиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария (халокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-мухитга таъсирини таҳлил қилиш;
9. Объект қурилишининг атроф-мухитга таъсир этиш характери;
10. Объект қурилишининг атроф-мухитга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ва тақлифлар;
11. Объект қурилишидан сўнг худуднинг экологик ҳолатини олдиндан таҳлил қилиш.

1. Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг (худуднинг) физико-географик ва иклим шароитлари;

Лойиха қилинаётган объект _____ қурилади.

Қурилиш майдони қуйидаги корхоналар билан чегараланган:

- шимолдан _____

- шарқдан _____

- ғарбдан _____

- жанубдан _____

Объектдан маълум бир масофада _____

_____ жойлашган.

Иклим шароити кескин континентал _____

2. Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;

Лойиха қилинаётган объект жойлашадиган район _____ ихтисослаштирилган.

Қурилиш майдонига яқин корхоналар _____

Бу корхоналардан атроф-муҳитга қуйидаги ифлосланувчи моддалар ва чиқиндилар ташланади: _____

Ундан ташқари тупроқ эрозияси, қимёвий ва минерал уғитлар ишлатилиши таъсирида ернинг қимёвий ифлосланиши: _____

Автомобил транспортларидан қуйидаги ёқилги қолдиқ моддалари атмосферага ташланади: _____

3. Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари;

Қурилиш жойининг тупроғи: ернинг энг 1,0-1,5 метри ўсимлик чиқиндиларидан иборат унумдор тупроқ, иккинчи пастки қатлами _____, учинчи қатлам _____ дан иборат.

Ер ости сувлари _____ метр чуқурликда жойлашган. Бетон ва қурилиш конструкцияларига нисбатан агрессив эмас. Ер ости суви қорбанатли _____ . Ер ости сувларини ичимлик учун ишлатиш мумкин.

Қурилиш майдонига яқин жойдан ер устки сув ҳавзаси _____ .

4. Худуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги;

Ернинг юқорги унумдор тупроқ қисми шўрланмаган, қучли эрозия қузатилмаган.

Қўп йиллик ўсимликлардан мевали дарахтлар, узум, маданий манзарали дарахтлар (арча, қайин, каштан) _____

Қурилиш райони аҳолиси саломатлиги соғлиқни сақлаш департаменти томонидан берилган маълумотларга мувофиқ республикадаги ўқрайидиган қўпчилик касалликлар бўйича фоиз ҳисобида вилоят ва республикадаги кўрсаткичга нисбатан анча паст, лекин баъзи бир касалликлар _____ бўйича юқори фоизга ега. Сабаби _____ .

5. Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;

Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойининг физико-географик ва иқлим шароитлари, тупроғи, ер ости ва ер устки сув ҳавзалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, мавжуд таъсир этувчи омиллар ўрганиб чиқилди. Умуман олганда худуднинг мавжуд экологик ҳолати қоникарли, атроф-муҳитга сальбий таъсир кўрсатадиган манбалар қузатилмади.

6. Лойиха ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш;

Диплом лойихаси бўйича _____ қурилиши

режалаштирилган.

Объект бўйича батафсил маълумот _____

Объект пойдевори _____, девори _____,

том ёлма _____, Ер ишлари хажми: $W_{ep} = \text{_____} \text{ м}^3$,
монтаж ишлари $W_{мон} = \text{_____} \text{ м}^3$. К урилишга ишлатиладиган
материаллар, элементлар, техникалар маркази. Курилиш ишлаб чиариш технологияси

Курилиш жараёни куйидаги асосий технологик боскичлардан ташкил топади:

Курилиш майдони ўлчамларини аниклаш:

- Пойдеворлар учун завур казиш;
- Пойдеворлар тагидаги заминни мустакамлаш ва текислаш;
- Бино деворларини кўтариш ва томини ёпиш;
- Сувок ва пардоз ишларини олиб бориш;
- Электр, сув таъминоти ва табиий газ тармоқларини ўтказиш;
- Кучаларни текислаш ва ободонлаштириш.

Объектнинг умумий ер майдони $\Phi_{ум} = \text{_____} \text{ м}^2$, шундан, кўкаламзорлаштирилган майдон $\Phi_{зел.н} = \text{_____} \text{ м}^2$, курилиш эгаллаган майдон $\Phi_{стр} = \text{_____} \text{ м}^2$, каттик копламали (асфалтланган, плитка ёткизилган ва х.к.)

Объект курилишида лойиха килинган ечимга алтернатив бўлган ечимни экологик нуқтаи назаридан такослаш (масалан, бино томи ёпилмаси лойихада проф.настилдан курилиши кўзда тутилган. Алтернатив вариант-шифердан. Такослаш: проф.настил-рухланган пўлат лист зангламайди, ранглаш талаб килинмайди, енгил, монтаж ишлари анча тезлашади. Алтернатив вариант-шифер транспартировка ва монтаж вақтида кўп синади. Энг асосийси шифер таркибида асбест моддаси бор. Асбест хавфлилик тоифаси бўйича биринчи тоифага мансуб, атроф-мухитга ва киши саломатлигига салбий таъсир кўрсатади).

7. Объект курилишида атроф-мухитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар, шовкин, табиий ресурслардан фойдаланиш, каттик чиқиндилар) баҳолаш;

Объект курилишида атроф-мухитга таъсир этувчи асосий манбалар;

-фойдаланиладиган ернинг маълум бир қисмини курилишга олиш ($\Phi_{ум} = \text{_____}$);

-курилиш ер майдонининг табиий ҳолати бузилиши;

-ер казиш ва монтаж ишларини бажаришда ҳамда керакли материалларни ташишда транспорт воситаларининг ишлаши натижасида атроф-мухитга кўп миқдорда зарарли ёкилги қолдиқ моддалари ва ҳар хил чанглар ташланади. Ундан ташқари транспорт воситалари шовкин манбаи.

-курилиш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланиш, сув олиш ва оқава чиқариш;

-курилишда ҳар хил кимёвий лок-буёқ моддалардан фойдаланиш натижасида атроф-мухитга кўп миқдорда кимёвий зарарли моддалар ташланди;

-курилиш давомида кўп миқдорда каттик чиқиндилар (гишт синиклари, бетон қолдиқлари, курилиш буюмлари қолдиқлари) ҳосил бўлади.

а) фойдаланиладиган ер майдони _____

б) объект курилишига ва объектдан фойдаланишда олинадиган тоза сув миқдорлари ва оқава сувлар.

Таъмирланадиган бино томонидан сув таъминоти тармоғидан олинадиган сув асосан ичимлик-хўжалик, ёнгинни ўчириш ва ховли ва кўчаларни санитар ҳолатини талаб даражада саклаш, дарахт ва кўкаламзорларни сугориш мақсадида фойдаланилади.

Фойдаланишга олинадиган сувнинг миқдорлари бу ердаги истеъмолчилар сони ва санитар асбоблари билан жиҳозланиш даражасига боғлиқ ва унинг меъёрий миқдорлари 1.1-жадвалда кўрсатилган.

Ичимлик суви таъмирлаш даврида “ _____ ” шаҳар сув таъминоти тармогидан келтирилади. Курилиш тугагач бу бино ҳам шу тармокка уланади.

Объект томонидан фойдаланишга олинадиган сувнинг кунлик миқдорлари

1.1-жадвал

Тартиб рақами	Истеъмолчи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Сув меъёри, л/сут	Сув сарфи, М ³ /сут
1					
2					
3					
4					
5					
6					
	Жами				
7	Кўшимча сарф				
	Хаммаси				

Объектв курилишига сарфланадиган сув миқдорини аниқлаш

4.2.-жадвал

Ишнинг номи	Ўлчов бирлиги	Иш ҳажми	Солиштирма сув меъёри, л	Сув миқдори, М ³
Бетон қоришмасини тайёрлаш	М ³	120	400	48
Бетонни 6 кун давомида сувлаш	М ³	120	200	24
Заминни зичлаш учун тупрокни намлаш	М ³	144	150	21.6
Гишт териш ва грунтотка учун сувот қоришмасини тайёрлаш	М ³	210	200	42
	М ³	1920	100	192
Жами				327.6
Ичимлик сув сарфи, 8 киши х 200 кун х 15 л	киши х кун	1600	15	24
Ювиниш учун сув сарфи	киши х кун	1600	25	40
Жами				64
Сув сарфининг умумий сарфи:				391.6

Агар тармокни ишга тушириш созлаш жараёнда сувнинг бактериологик кўрсаткичлар давлат стандартлари талабларига жаваб бермаса, концентрасияси 100 мг/л булган хлорли сув билан 2 соат мобайнида зарарсизлантирилади.

Канализация мавжудлиги ва окова сувни окизишга кўйиладиган талаблар. Мактабда пайдо бўладиган оковалар маиший характерда бўлиб уларнинг меърий кунлик миқдори _____ м³, йиллик миқдори эса _____ м³ ни ташкил қилади. Бу оковаларнинг таркиби асосан кум, муаллақ моддалар ва органик бирикмаларидан ташкил топади. Уларнинг сифат кўрсаткичлари доимий эмас. Бу оковаларда кумлар – 2 г/киши-сут; муаллақ моддалар 40 г/киши-сут, хлор бирикмаларидан 65 г/киши-сут ни ташкил илади.

Курилиш олиб бориладиган майдонда вақтинчалик канализация тизимлари урнатилади. Курилиш тугагач умумканализация тизими курилади ва оковалар тўлик биологик усулда тозаланади. У пайитгача бу оковалар бетон ўраларда тўпланадилар ва ўралар тўлиши билан уларни туман СЭС тамонидан ажратилган майдонга Элтиб окизилади.

в) транспорт (хом-ашиёларни ташиш, ер казиш, монтаж ишларини бажариш жараёнида)

Ер ишларини бажаришда $=P_1 * P_2 * P_3 * P_4 * G * 10^6 / 3600, \text{г/с.}$

P₁-тўпрокнинг чангланиши фракцияси P₁=_____

P₂-аэрозол куришида ўтадиган чанг фракцияси P₂=_____

P₃-иш зонасида шамол тезлигини ҳисобга олувчи коэффициент P₃=_____

P₄-тўпрок намлигини ҳисобга олувчи коэффициент P₄=_____

G-ер иши миқдори, т/соат

г) пайвандлаш

Мазкур уй-жой курилиши ва ундан фойдаланишда атмосфера ховзасига зарарли моддалар деярли чиқмайди. Бинолар пойдевори завурни казиб, инженерлик коммуникацияларини монтаж қилиш, тамирлаш пайтларида кам миқдорда ноорганик чанг, пайвандлаш ускунасида – пайвандлаш аэрозоли, жумладан MnO₂ . ва кранли автомобилар ис гази, азод оксиди, курум ва ҳақозалар ҳавога ажралиб чиқиши мумкин, Бу моддаларнинг ҳавога чиқиш миқдори шунчалик камки, уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири сезиларли бўлмайди. Курилиш жараёнида ажралиб чиқадиган чангнинг миқдорини камайтириш мақсадида тез-тез тўпрок намлантирилиб турилади ва техник сув ҳисобидан амалга оширилади. Масалан биноларда табиий газ ёки сувни ўтказиш пайтида энг кўпи билан 5 кг АНО – 4 маркали электрон ишлатилади ва бунинг натижасида 33,6 г пайвандлаш аэрозоли, 3,9 г марганец оксиди ажралиб чиқади. Шу иш бажарилишига, 67,2 г/йил, 7,8 г/йил марганец оксиди ҳавога чиарилади. Бундан кўришиб турибдики, бу ер ҳавони ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори санитар – экологик талабларни қаноатлантиради.

д) курилиш хом ашё материалларини ортиш-тушириш ва саклаш давомида ажралиб чиқадиган ифлослантирувчи моддалар.

-кум, шагал-неорганик чанг

-цемент-цемент чанги

-гишт-неорганик чанг

$Q=L \times B \times g/100, \text{т/йил}$

Бу ерда L-хом ашё материалларининг чанг кўринишида йўқотилиши фоиз ҳисобида L=0.21

B-сакланаётган, ортиладиган-тушириладиган кум, шагал, цемент сарфи, т/йил

g-табиий йўқолиши меъёри, % g=0.15

е) каттик чиқиндилар миқдорини аниқлаш, уларни тўплаш ва зарарсизлантириш.

-Коллеж фаолияти пайтида пайдо бўладиган каттик маиший чиқиндиларнинг умимий йиллик меъерий миқдори _____ т ёки _____ м³ ни ташкил қилади. Бу чиқиндилар инерт чиқиндилар бўлиб, мактабнинг шимолий шаркида атрофи 1.8 м

баладликдаги девор билан ўралган махсус худуди бетонлаштирилган майдонда жойлаштирилган хажми 1.2 м³ бўлган махсус металл кутиларда тўпланади ва шартнома асосида туман ободончилик корхонасига топширилади;
 -курилиш пайтида пайдо бўладиган каттик чиқиндилар микдори 6.1-жадвалда келтирилган.

Курилиш даврида объектда пайдо бўладиган ишлаб чиқариш каттик чиқиндилари
 6.1-жадвал

Тартиб раками	Чиқиндилар	Ўлчов бирлиги	Меъёр,%	Махс.ми.тн.	Чиқинди
1	гишт синкилари	Тонна	0.5		
2	Бетон ва коришма	Тонна	13		
3	Ёоч чиқиндилар	М ³	1.5		
4	Халталар	Тонна	0.6		
5	Металл чиқиндилар	Тонна	0.5		
6	Пластмасса идишлар	Тонна	1		
	Жами				
	Маиший катти чиқиндилар				
7	Ишчилар	Киши	0.083		
8	Супринди	Кг/м ² кун	0.021		
	Жами				
	хаммаси				

8. Курилиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария (халокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини таҳлил қилиш;
 Объектнинг курилиши ва фаолияти даврида содир бўлиши мумкин бўлган халокатли ҳолатлар. Масалан: кум, шагал ёки цемент ташиётган автотранспорт воситасида носозлик туфайли курилиш материалнинг тўкилиши ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар. _____

9. Объект курилишининг атроф-муҳитга таъсир этиш характери;

10. Объект курилишининг атроф-мухитга сальбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ва таклифлар;

Мазкур _____ куриш, жихозлаш, ишга тушириш ва эксплуатация килиш пайтида куйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- Ер ишлари олиб боришда энг замонавий казиш усули кўлланилади;
- Курилиш жараёнида ажралиб чикадиган чангнинг микдорини камайтириш мақсадида тез-тез тупрок намлантирилиб турилади;
- Инженерлик коммуникация тармоклари хизмат кўрсатиш учун тиббий кўрикдан ўтган, кудукда техник хизмат кўрсатиш ва техника хавфсизлиги коидаларига мукамал биладиган ва унга амал киладиган ёши 18 дан кам бўлмаган ишчиларгагина рухсат берилади.

11. Объект курилишидан сўнг худуднинг экологик ҳолатини олдиндан тахлил килиш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонуни Тошкент, 1992-йил.
2. Ўзбекистон Республикасида Давлат экологик экспертизаси тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Табиат муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. Тошкент, 2001-йил.
3. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1993-йил.
4. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1996-йил.
5. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари. К М ва К 02.04.01.-97. Бино ва иншоотларнинг сув таъминоти ва канализацияси. Тошкент, 1997-йил.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда, жумладан, Самарқандда ўстириладиган гуллар тўплами чет элларда селекция йўли билан олинган чой дурагай, пернециан навларидан ва бошқа турли картошка гул, пиёзлар бир йиллик ва кўп йиллик гуллар бўлиб, жами 100-120 минг хилни ташкил этади. Шундан кўриниб турибдики, гулчилик ва гулга бўлган қизиқиш, унга нисбатан ривоятлар тўқиш азал-азалдан давом этиб келган.

Битирув малакавий ишдаги яъни Кимёгарлар шаҳарчасидаги Маданият саройининг ландшафт ечимини топишда ҳам турли хил селекция йўли билан олинган гуллар ва кўчатлардан кенг фойдаланилган.

Олий таълим тизимида сўнгги йилларда ландшафт архитекторлари, ландшафт дизайнерлари тайёрлаш масаласига эътибор кучайганлигини кўриш мумкин. Ҳозирги кунда бу долзарб масалани ечиш имкониятлари ҳам мавжуд.

Ландшафт архитекторлари, шаҳарсозлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар олдида турган вазифа – асрлар давомида боғ-парк санъати соҳасида қадимий Шарқ, Ўрта Осиё, Европа мамлакатлари ҳудудида тўпланган бой тажрибани замонавий талабларга мос равишда ўзлаштириб, келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришга арзигулик боғ-парк санъатининг янги намуналарини яратишдан иборатдир.

Бизнинг ўлкамизга ландшафт меъморчилиги бугун ёки кеча кириб келган десак жуда катта хато қиламиз, юртимизда шаҳарсозлик маданияти, шаҳар ва қишлоқ кўчаларини ободонлаштириш масалалари, минглаб асрларни ўз ичига олади десак хато қилмаймиз. Ўзбекистон ҳудудларида ташкил этилган боғлар ва ландшафт меъморчилиги қай кўринишда олиб борилганлиги кўҳна тарихдан бизга жуда яхши маълум, бўлар ҳақида кўплаб олимларнинг, шу қаторда В. Л.Вяткин; М.Е. Массон; И.А. Сухарев; Г.А.Пугаченкова; М.К. Ахмедов; А.С.Уралов; К.Д. Рахимовлар ҳам аниқ материаллар асосида шаҳарсозлик маданияти, ҳамда XIV-XV асрлардаги боғ парк, ва ландшафт меъморчилиги санъати ҳақида батафсил ўз асарларида курсатиб берганлар.

Ўзбекистон шароитига мос дарахтлар ва буталарнинг аниқлаб бериш, ҳамда шу дарахт ва буталарнинг қайси муҳитда ва қанақа жойда қўлланилишини лойиха таклифини ишлаб бериш (маъмурий бинолар, умумий тураржой ва кенг ҳажмдаги ишлаб чиқариш ҳудудларида), ландшафт меъморчилигида қўлланиладиган дарахт ва буталарнинг ташқи кўринишларини аниқлаш, муҳим мақсад бўлиб ҳисобланади. Шу мақсаддан келиб чиқаётган асосий масалалар:

- қўлланиладиган дарахт ва буталарнинг ташқи кўриниши жиҳатидан атроф муҳитга боғлиқлигини аниқлаб кўрсатиб бериш;
- ўсимликларни турларга бўлиш (классификациялаштириш);
- лойиха таклифларидаги ҳудудга мос келадиганини топиб улар ёрдамида лойиха таклифларини бериш;
- лойихаланаётган ҳудудни ҳар қил дарахт ва буталар ёрдамида турли хил қуринишларини тайёрлаш, ҳамда уларни бир биридан фарқини аниқлаб, уларнинг ичидан керакли эстетик қуринишларни, иқлим талабига жавоб берадиганларини, ва физик хусусиятлари талабга

гулзор ва хиёбонларни ташкил этишда ҳар бир дарахт, бута ва гулнинг узига хос урнини аниқлаб утказиш ландшафт архитекторларидан катта маҳорат талаб қилади. Шу билан бир қаторда халқимизнинг қуп йиллик тажрибаларига таянган ҳолда иш олиб бориш, биздан кейинги авлодга ўзимизнинг маҳаллий дарахт буталар билан ишлашга катта замин ярата оламиз деган умиддамиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шукуров Ф.Ш., Бобоев С.М. Архитектура физикаси. – Тошкент:

“Меҳнат”, 2005.

2. Шукуров Ғ.Ш., Махмудов М.М., Рафиқов С.А., Ғаниев Ш. Бино ва иншоотлар архитектураси. – Самарқанд, 2007.

1. Аҳмедов М.Қ. Ўзбекистон Ўрта асрлар меъморий ансамбллари тараққиётининг тарихий-назарий асослари. Д.дисс.Т-1996, 17 бет.

2. Беляева Е.Л. Архитектурная-пространственная среда города как объект зрительного восприятия. М., 1977 125б.

3. Махмудов Т.М. “Монументал санъат ва маънавий камолот”. СамДУ, маъруза матни. Сам.2000 13 март, 1-3 бетлар.

4. Ўролов А.С. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш Сам.2003,
261 бет.

1. Уралов А.С. Самарқанд шаҳрининг мустақиллик йилларидаги архитектураси. // Меъморчилик ва қурилиш муаммолари илмий техник журнали. – Самарқанд, 2007, №3 б.28-33.

2. Аҳмедов М.Қ. // Самарқанд меъморий ансамбллариининг янги чаҳаёти. Меъморчилик ва қурилиш муаммолари илмий техник журнали, 2007, №3 б.32-38.